

УДК 619.616.993.192.084

Ў.И.Расулов, в.ф.н., катта илмий ходим,
А.Хушназаров, стажер тадқиқотчи,
Ф.Камалов, магистр,

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

ҚОРАМОЛЛАРНИ ТЕЙЛЕРИОЗ КАСАЛЛИГИДАН АСРАЙЛИК**Аннотация**

Қорамолларнинг қон-паразитар касалликлари республика ҳудудларида кенг тарқалганлиги ва катта иқтисодий зарар етказиши аниқланди. Адабиёт маълумотлари таҳлил қилинди. Даволаш ва профилактика қилиш учун замонавий воситалар ва усуллар тавсия этилди.

Калит сўзлар: қорамол, тейлериоз, касалликнинг кечиши, вакцина, кана, профилактика, тирик вазни.

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз аҳолисини чорва маҳсулотлари билан мунтазам ва етарли миқдорда таъминлаш биргина чорвадорларнинг эмас, балки ветеринария фани ва амалиётида тинмай меҳнат қилиб келаётган ходимларнинг ҳам долзарб вазифаси ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Қорамолларнинг тейлериоз касаллиги республикамиз ҳудудларида кенг тарқалган ва бу катта иқтисодий зарар етказиши.

Ўзбекистонда қорамолларнинг тейлериоз касаллиги қўзғатувчиси *Theileriidae* оиласига мансуб *Theileria annulata* Dschunkowsky et Luhs (1904) ҳисобланади. Тейлериялар лимфа тугунларнинг ретикулоэндотелиал ҳужайраларида, талоқ, жигар ва бошқа органларда, қоннинг лимфоцит ва эритроцитларида ривожланади. Қўзғатувчиларни тарқатувчи *Hyalomma detritum* ва *H. anatolicum* каналар 2-5 кундаёқ мол танасида қон сўриш билан бир вақтда ўз сўлак безларида мавжуд 2-3 мкм катталиқда бўлган спорозоитларни молнинг териси ичига юборади. Тери қатламига кирган спорозоитлар лимфа ва қон оқими билан аввало лимфа тугунларига кейин эса паренхиматоз органларга кириб, шизогония босқичини ўтайди.

Касал молларнинг қонида (эритроцитларда) микромерозоитлар юмалоқ, овал, ноксимон, нуқтасимон шакллардаги кўринишларда бўлади.

Касалликнинг кечиши ва клиник белгилари. Тейлериозни *Hyalomma* авлодига мансуб икки эгалик *detritum* ва уч эгалик *anatolicum* деб номланувчи каналар тарқатади. Улар ҳайвонларнинг қонини сўриш билан бир вақтда ўз сўлак безларидаги касаллик қўзғатувчи паразитларни ҳайвон танасига юборади. Касалликнинг биринчи белгиси – молни

Annotation

It was found that blood-parasitic diseases of cattle are widespread in the regions of the republic and cause great economic damage. Literature data were analyzed. Modern tools and methods for treatment and prevention were recommended.

кана чаққанидан 17-21 кун ўтгач, курак олди, сон ва елин усти лимфа тугунлари катталашади, тана ҳарорати 40,6-41,2° С гача кўтарилади.

Патологоанатомик ўзгаришлар. Бу касалликлар билан касалланиб ўлган ёки мажбурий сўйилган ҳайвонлар ёриб кўрилганда юрак, жигар, буйрак, талоқда қон қуйилишлар юз беради. Жигар ва талоқ 2-3 марта катталашганлиги ва юмшаб қолганлиги кузатилади. Кўкрак бўшлиғида 0,5 литргача зардобсимон суюқлик тўпланганлиги кузатилади. Ширдонда қон қўйилишлар ва яралар мавжуд. Катқорин курук, қаттиқ озуқа, ўт пуфаги эса қуюқ ўт суюқлиги билан тўла бўлади.

Даволаш. Тейлериоз билан касалланган қорамолларни даволаш ишларини олиб боришдан олдин уларни салқин ва осойишта жойга ўтказиш керак. Уларнинг рационига енгил ҳазм бўладиган барра ўт, майдаланган лавлаги, янги соғилган сут, омухта емдан тайёрланган атала киритилиши лозим.

Касалликни даволашда махсус препаратларни қўллаган ҳолда қуйидаги схемаларнинг биридан фойдаланиш тавсия қилинади.

1. Даволашнинг 1-3 кунлари молнинг ҳар 1 кг тирик вазни ҳисобига эрталаб 4 мг/кг миқдорида “Ўзбикарб” (“Ўзбикарб”нинг 4%-лик сувдаги эритмасидан молнинг ҳар 100 кг тирик вазнига 10,0 мл дан) тери остига ва 5-6 кун давомида кечки пайт молнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 6 таблеткадан (1,5 гр) делагил қўллаш тавсия этилади.

2. Даволашнинг 1-2 кунлари эрталаб 2 мг/кг миқдорида “Диамидин” ва шундан 3-4 соат ўтгач, 3-4 кун давомида қунига 1 мартадан қорамолнинг 100 кг тирик вазни ҳисобига сульфантрольнинг

3% лик эритмасидан 100 млдан вена қон томирига қўлланилади. Агарда шу 3% лик эритма 33% лик спиртда тайёрланиб қўлланилса, даволаш натижа-си яна ҳам самаралироқ бўлади.

3. Даволашнинг 1 куни қорамолнинг ҳар 1 кг тирик вазни ҳисобига тейлериозга қарши гипе-риммун қон зардобидан 1,0 млдан териси остига қўлланилади, 2-куни эса молнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 5,0 млдан “Этдин” (этони + диа-мидин) препарати териси остига қўлланилса, сама-радорлик юқори даражада бўлади.

4. Саудия Арабистонида ишлаб чиқилган “Butachem” ва “Theilex” препаратларини касаллан-ган қорамолнинг 100 кг тирик вазни ҳисобига 5,0 мл дан 48 соат оралиғида 2 марта қўллашдан олин-ган самарадорлик юқори даражада бўлиши кузати-лади.

Симптоматик препаратлардан “Кофеин-бензоат натрий”нинг 20% лик эритмасидан қорамолнинг териси остига 15-20 мл, “Ацессоль”, “Диссол”, “Триссол” препаратларининг биридан 300-500 мл ва глюкозанинг 5% лик эритмасидан 300-400 мл миқдорида вена қон томирига, гемопоззни кучай-тирувчи “Ферропирин” ёки “ферроглюкин-75” препаратларининг биридан молнинг 100 кг тирик вазнига 20 млдан ва “Витамин В₁₂” препаратидан 500 мкг миқдорида мушаги орасига қўлланилади.

Қорамоллар тейлериозининг профилакти-каси. Тейлериоз келиб чиқиши касаллик кўзга-тувчиларини тарқатувчи Иқсод – Hyalomma anatolicum, Hyalomma detritum каналарининг фаол ҳаётий (йилнинг илиқ фаслларида) даври билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли унга қарши курашишни биргина йилнинг илиқ фаслларида эмас, балки салқин ва совуқ фаслларда ҳам доимий равишда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун салқин тушганданок ферма ва унинг атрофини ободонлаштириш, каналарнинг ривожланиши учун қулай бўлган биотопларни йўқотиш, келгусида қорамоллар боқиладиган яй-ловларда санация ишларини олиб бориш лозим. Қиш пайтида қорамоллар боқиладиган бинолар-ни гўнглardan тозалаш, деворларини суваш ва оклаш ҳамда маданийлаштириш эса тадбирлар-нинг энг муҳими ҳисобланади. Тейлериознинг олдини олишда «Тейлериозга қарши суюқ куль-турал вакцина»дан йилнинг салқин (декабр, ян-вар, феврал) ойларида ҳар 1 бош қорамолнинг териси остига 1,0 млдан қўллаш тавсия этилади.

Йилнинг илиқ кунлари кириб келиши биланок каналарга қарши акарицид препаратлардан бири билан қўлланма асосида қорамоллар ювиб ту-рилади. Пироплазмидозлардан кимёвий усулда профилактика қилиш учун ҳар 15 кунда 1 марта қорамолнинг ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига 5,0 млдан “Поликарб” препарати қорамол териси остига қўлланилади.

Умуман олганда, 1-расмдаги схемадагидек пи-роплазмидозларга қарши кураш чора-тадбирлари ўз вақтида ва сифатли олиб борилса, қорамоллар тейлериоздан сақлаб қолинади. Натижада халқимиз дастурхонини мўл-кўл чорва маҳсулотлари билан таъминлашга эришилади.



1-расм. Пироплазмидозларни профилактика қилиш тадбирларининг схемаси.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Имомов Н. Қашқадарё вилояти ҳудудларида “Полиамидин-п” препаратини ветеринария амали-ётига жорий қилиш. “Ветеринария”. 2011, № 5 – 13-14.
2. Қўчқорова С. Пироплазмозни даволашда маҳаллий восита / “Зооветеринария” илмий-омма-боп журналы № 1, 2011. – 18-22 б.
3. Ғафуров А.Ғ., Давлатов Р.Б., Расулов Ў.И. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг протозой касал-ликлари. Монография, 2011 – 114 б.